

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 22 сентябрдаги “Республикада капитал қурилиш соҳасида буюртмачи хизмати фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-378-сонли қарорига асосан 2023 йил 1 январдан Спорт вазирлиги (Спортни ривожлантириш вазирлиги) ҳузуридаги **“Спорт объектлари инфратузилмасини ривожлантириш бўйича инжиниринг компанияси”** давлат унитар корхонаси фаолияти тугатилган.

Тугатилган буюртмачи хизмати томонидан марказлашган манбалар ҳисобидан давлат харидларини амалга ошириш буюртмачиси сифатида тегишлича Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳузуридаги **“Ягона буюртмачи хизмати”** инжиниринг компанияларини белгиланган.

Мазкур қарорга мувофиқ, 2023 йил 1 январдан Давлат дастурлари доирасида Спортни ривожлантириш объектлари лойиҳалар (объектлар) бўйича давлат харидларини амалга ошириш ишлари Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳузуридаги **“Ягона буюртмачи хизмати”** инжиниринг компаниялари томонидан амалга оширилиб келинмоқда.